

ифода этилган. Эшикнинг “қўлидан ушлаб тортиши”, муқоваси йиртилган китобни “пальтоси йиртилиб қолди”, гули ўчинқираган қўйлакни “гули сўлиб қолди” деб тушунтириш билан болага хос беғуборлик ва соддаликни очиб беради ҳамда бу орқали ўқувчи юрагига ҳам илиқлик олиб киради.

Хулоса. Бу омиллар шуни кўрсатадики, Шўхрат халқ ҳаётини чуқур ўрганибгина қолмай, ўз устида тинимсиз ишлаган забардаст ижодкордир. Ёзувчи нафақат умумийда мавжуд иборалардан унумли фойдаланади, балки уларни маълум ўзгартиришлар асосида ёшартириб, маъно қирраларини очади. Бундан ташқари унинг ўзи ҳам янги-янги ибора ва ўхшатишлар яратиб, ўзбек адабий тили бойлигига маълум ҳисса қўшади.

АДАБИЁТЛАР

1. Шўхрат. Олтин зангламас. Роман. – Т.: Шарқ, 1995. – 199 б.

2. Тоғай Мурод. Отамдан қолган далалар. Роман. – Т.: Шарқ, 1994. – 270 б.

УДК: 821.512.161

МЕҲМЕТ АКИФ ЭРСҮЙ – ЗАМОНАВИЙ ТУРК ШЕЪРИЯТИНИНГ ЗАБАРДАСТ ШОИРИ

МЕХМЕТ АКИФ ЭРСОЙ – ПРЕДСТАВИТЕЛЬ СОВРЕМЕННОЙ ТУРЕЦКОЙ ПОЭЗИИ

MEHMET AKIFERSOY IS THE STRONGEST POET OF THE MODERN TURKISH POETRY

Азизова Нигора Бобир қизи

Тошкент давлат шарқшунослик институти ўқитувчиси

Таянч сўз: шоир, шеър, жанр, мадҳия, турк шеърияти, Сафохат.

Ключевые слова: поэт, поэзия, жанр, гимн, турецкая поэзия, Сафохат.

Key words: poet, poem, genre, anthem, Turkish poetry, Safohat.

Мазкур мақолада замонавий турк шеъриятининг йирик шоири М.А. Эрсўй ҳаёти ва ижоди ўрганилган. Хусусан, шоир шеърларининг мавзуси, мазмун ва моҳияти илмий тадқиқ этилган.

В данной статье исследованы жизнь и творчество крупного поэта современной турецкой поэзии М.А. Эрсоя. Определено значение наследия поэта.

This article studies the life and works of the great modern Turkish poet M.A. Ersoy. The significance of the poet's heritage has been defined.

Кириш. Танзимотдан кейинги турк халқи ижтимоий ҳаётида кескин бурилишлар юз берди. Жаҳондаги капиталистик муносабатлар, империалистик сиёсат бухронлари ичра собит туриш эҳтиёжи Туркия давлат сиёсатини ўзгаришга учраши учун сабаб бўлди. Айни пайтда катта миқёсдаги сиёсат, иқтисод, саноат соҳасидаги ўзгаришлар зарурати дунёвий илмлар эгаси, тадбиркор, ҳушёр, чуқур мушоҳада қобилиятига эга, тадбиркор бўлган янги турк кишининг майдонга келишини ҳаёт заруратига айлантирди. Натижада шундай мураккаб ва кенг миқёсли жараёнлар ичида яшаётган инсон ҳаёти янги турк шеъриятининг бош мавзусига айланди.

XX аср бошларида турк адабиётининг йирик драматурглари, носирлари ва шоирлари сермахсул ижод қилдилар. Жумҳурият адабиётининг кириб келиши эса ижод аҳлини янада тўлқинлантирди ва руҳлантирди. Туркия Жумҳуриятининг авлодлар оша бугунгача янграб келаётган мадҳияси ҳам ўша йилларда яратилган. Ватан, халқ мустақиллигига бағишланган давлат мадҳияси Жумҳурият даврининг ёрқин намоёндаси Меҳмет Акиф Эрсўй қаламига мансуб. Шоир нафақат Ватан, балки турли мавзуларда шеърлар, шеърий хотиралар ёзган.

Асосий қисм. Туркия давлат мадҳиясининг муаллифи, забардаст шоир Меҳмет Акиф Эрсўй 1873 йилда Истанбулда таваллуд топган. Унинг отаси Меҳмет Тоҳир Афанди Фотиҳ мадрасасининг мударриси бўлиб, Ипакли домла номи билан танилган. Меҳмет Акиф дастлабки диний ва дунёвий билимларини Фотиҳ мадрасасида, яъни отаси Тоҳир Афандидан олади. У тўрт ёшида маҳалласидаги бошланғич мактабга борди, кейинчалик ўқишини Фотиҳ номидаги ўрта мактабда давом эттирди. Ундан кейин уч йил лицейда таълим олди. У лицейни битириш арафасида отаси бу дунёни тарк этади. М. Эрсўйнинг

таълим ва тарбияси онаси асли бухоролик Амина Шарифахоним зиммасига тушади. Шарифахоним ўғлини институтга тайёргарлик кўриш мақсадида Ҳалқали Байтар ва Зироат мактабларида ўқитади. М. Эрсўй бу ерда араб, форс ва француз тилларини мукаммал ўрганади. У 1888 йилда отасидан айрилгач, Ҳалқалидаги Байтар интернатида ўқийди ва бу ерда қалбидаги бор дардларини шеърларга жо қилади ва биринчи шеъри 1895 йилда мактаб журналида ҳавола этилади. Бўлажак шоирнинг дилга яқин устозлари муаллим Ножий ва Ҳамидий эди.

Шунингдек, М. Эрсўй 1898 йилда форс адабиёти ҳақида қатор мақолалар нашр этади. 1890 йилдан бошлаб бир қанча мактабларда дарс беради. Кейинчалик нашриётларда фаолият юритади. 1903 йилда Истанбул университетида профессор унвонига эга бўлади. 1911 йилда газета-журналларда нашр этиб келган шеърларини жамлаб “Сафоҳат” номли шеърий тўпламини эълон қилади. У Миср, Арабистон ва Германия давлатларида ҳам фаолиятини давом эттиради.

Озодлик учун кураш даврида унинг айрим ғоялари танқидга учрайди ва шоир Мисрга кетишга мажбур бўлади. У ерда 10 йил яшаб ижод қилади. Қоҳирадаги Миср университетида турк филологияси бўйича номзодлик диссертациясини ёқлайди. Шоир касалликка чалингач, Истанбулга қайтишга аҳд қилади ва 1936 йил 27 декабрда вафот этади.

Шоир ижодини икки босқичга бўлиб ўрганиш мумкин. Биринчи босқич шеърияти “Болалик йилларидаги шеърлар”и бўлса, иккинчи давр “Етуклик давридаги шеърлар”и ҳисобланади. Биринчи босқичдаги болаликка хос шеърлари кейинчалик чоп этилган шеърий тўпламларига киритилмаган. Лекин болалик йилларидаги шеърлари шоир ижодининг илк учкунлари сифатида муҳим аҳамият касб этади [2, 63-93].

Туркия мустақилликни қўлга киритгандан сўнг давлат мадҳияси учун танлов эълон қилинади. Мамлакатдаги барча шоирлар бу мусобақага таклиф этилади. Танловда 725 нафар шоирдан қайси бири биринчи ўринни олса, ўша шоирга пул мукофоти ваъда қилинади. М. Эрсўй пул мукофотини эшитгач мусобақада қатнашишдан бош тортади. Аммо шунча шоир бўлишига қарамай бирорта юракка яқин шеър топилмайди. Маориф вакили Ҳамдуллоҳ Субҳий мусобақадан пул мукофотини олиб ташлагандан сўнг М. Эрсўйни мусобақада қатнашишга кўндиради ва шу тариқа 1921 йил 2 мартда давлат мадҳияси юзага келади. Мадҳия 14 март куни Миллат мажлисининг иккинчи чорак мажлисида Мустафо Камол Отатурк нутқидан сўнг Исмат Пошшо мамлакатга оид янгиликлардан хабардор қилади, мажлис якунида маориф вакили томонидан М. Эрсўйнинг шеъри, яъни давлат мадҳияси халққа ўқиб эшиттирилади. Халқ бу шеърни ҳаяжон билан тинглади ва 25 март куни Туркия давлат мадҳияси қабул қилинди.

Korkma, sönmez bu şafaklarda yüzen al sancak,
Sönmeden yurdumun üstünde tüten en son ocak.
O benim milletimin yıldızıdır, parlayacak,
O benimdir, o benim milletimindir ancak [7, 509].

Таржимаси:

Қўрқма, сўнмас бу шафақларда сузган алвон байроқ,
Сўнмасдан юртим узра тутаетган энг сўнгги ўчоқ.
У менинг миллатимнинг юлдузидир порламоқда,
У менингдир, у менинг миллатимники фақат.

М. Эрсўй бутун умрини турк шеъриятига бағишлади, турли мавзуларда янгича шеърлар ёзди ва бир қатор шеърий тўпламлар нашр этди. Шоирнинг шеърий китоблари ҳақида турк олими Ф. Гўкчек шундай фикр билдиради: “Меҳмет Акифнинг “Етуклик давридаги шеърлар”и еттита китобда жамланган. Китобларнинг кетма-кетлиги “Сафоҳат”, “Сулаймония минбарида”, “Ҳақ ваҳийси”, “Фотиҳ минбарида”, “Хотиралар”, “Осма” ва “Соялар”дан иборат. Шоир вафотидан кейин бу китоблардаги барча шеърлари “Сафоҳат” номи остида битта китобга жамланиб нашр этилган, бу эса Меҳмет Акифнинг фақат битта шеърий китоби бор деган янглиш тушунчаларга олиб келади” [3, 20].

Кейинчалик бу китобнинг тўлдирилган нашри олти мароталаб қайта босилиб чиқди.

“Сафоҳат” номли китобда Меҳмет Акиф Эрсўйнинг ижоди, шунингдек, давлат мадҳиясининг ёзилиш сабаблари, умуман олганда шоирнинг ижодий қарашлари ёритилган.

М. Эрсўй форс адабиётининг машҳур шоирлари Саъдий, Ҳофиз ва турк шоирлари муаллим Ножий ва А.Ҳамидий ижодидан таъсирланган. Арузнинг ғазал ва фард жанрларида ижод қилган. Диний мавзуларни қаламга олган шоир кейинчалик замонавий мавзуларга ҳам қўл уради. Юрт дарди, Ватан мустақиллиги йўлида қатор шеърлар ёза бошлайди. Халқ кечинмалари ифодаланган “Бемор”, “Куфе”, “Майхона”, “Байрам”, “Сайфиота”, “Маҳалла қаҳваси”, “Гўдак” сингари шеърларини вақтли матбуотда нашр эттиради. Бу шеърларнинг аксариятида бечора халқнинг азоб-уқубатлари, изтироб ва ғам-андуҳлари яширинган. Шоир шеърятининг мавзуи, лирик қаҳрамонлар тасвири реал ҳаётга асосланади. “Маҳалла қаҳваси” шеърида шоир лирик қаҳрамонини “умри қаҳваларда ўтган инсон” дейиши ҳам реал ҳаётга ишора. Аслида “Маҳалла қаҳваси” шеъри шоирнинг укаси Ҳусайн Авнийга аталган. Бу шеърнинг бош ғояси айнан қаҳва ҳақида эмас, балки қаҳва баҳона маҳалла номига доғ тушираётган одамлар ҳақида. Хусусан, шеърда Усманийлар ҳақида ҳам сўз боради. Тарихга назар солсак, Усманийлар даврида хиёнаткор инсонларни кўп учратамиз. Тахтга ўтириш мақсадида ака-укачилик, қариндош-уруғчиликни, ҳатто бу йўлда онасини танимаган инсонларни ҳам кўрамыз. Ўзи бой бўла туриб, мансаб ва бойлик илнжидида ўзини бечора қилиб кўрсатган, қариндош-уруғлари туриб, ҳеч кимим йўқ, деб мансабдор шахсларнинг пинжиги кириб олишган. Усманийлар даврида ҳам қаҳвахоналар бўлган. У ерга асосан пулдор, мансабдор одамлар боришган. Саройда фитна уюштирилмаган амалдорлар ўша ерга йиғилиб, ўз режаларини тузишган. Усманийлар даврида инсонлар шу қадар ёвуз бўлишганки, ҳатто аёлларни тиреклайин кўмишган:

Zavallı ümmet-i merhume ölmeden gömülür;
Söner bu hücrede idrâki, sonra kendi ölür...
muhîti levine dolmuş ki öyle manzaralar:
Girince nûr-i nazar simsiyah olur da çıkar! [1, 562]

Таржимаси:

Бечора муслима ўлмаи кўмилар;
Ҳужрада илқидрок, сўнг жисми ўлар...
Атроф-муҳитда чиркин манзаралар:
Бунда нури назар зулматга буркалар.

Умуман олганда, шеър ўтмишдаги мансабдорларнинг кирдикорлари, шафқатсизлиги, хиёнаткорлигини очиқ-ойдин очиб беради. Уларнинг орасида нафс йўлида ота-онаси тугул, ҳатто Аллоҳни танимайдиганлар ҳам бор. Қуйидаги мисралар фикримизни янада ойдинлаштиради:

Azâb içinde kalır sa'yi görse rüyâda!
Niçin yoğrulmalı zaten “ölümlü dünyada?”
Vücûd emânet-i Hak, doğru, hem de cennetlik.
Bu kahveler gibi cennet de müslimine gedik [1, 563].

Таржимаси:

Азобдадир Аллоҳ кирса тушига,
Нега толиқасан фоний дунёда.
Ўлим ҳақ, тўғри йўл олар жаннатга,
Ёхуд қаҳва янглиғ ғарқсан зулматга.

Шоир бу сатрларда инсоннинг бир кун келиб ўткинчи ҳаётдан толиқиши, алал-оқибат ўлим ҳақлигини ўйлаб тунларини бедор ўтказиши, қилмишларининг тўғри-нотўғрилигини кўз олдига келтириб, боқий дунё билан видолашиши, хусусан, инсоннинг “қора амаллар”ини қаҳвага ўхшатади.

Шоирнинг “Байрам” номли шеърида ишқ-муҳаббат мавзуси байрамон тараннум этилади:

Deniz dalgasız olmaz,
Gönül sevdasız olmaz.
Yâri güzel olanın
Başı belâsız olmaz!
Haydindi minimini maşallah
Kavuşuruz inşallah ... [1, 561]

Таржимаси:

Денгиз тўлқинсиз бўлмас,
Кўнгиллар беишқ бўлмас.
Ёри гўзал ошиқнинг,
Боши балодан чиқмас.
Шошил эй, чеҳра-и моҳ,
иншооллоҳ...

Бу шеърда шоир халқона оҳанглардан моҳирона фойдаланган, халқ туркуларидаги шаклий ўзига хослик яққол сезилган. Маълумки, турку жанри халқ оғзаки ижодидаги машҳур жанр ҳисобланади. Махсус оҳанг, мусиқа жўрлигида айтилган. Қадимда бутун халқ қўшиқларини ҳам “турку” деб аташган. Туркуларнинг асосий мавзуси атроф-муҳит, табиат ёки бирор воқеа таъсирида пайдо бўлган туйғуларни шеърга солишдир.

Шоирнинг “Жанг қўшиғи” шеъри эса Ватан ҳимоячиларига бағишланган бўлиб, шеърда ватанпарварлик руҳи устуворлик қилади. Юртнинг мард ўғлонлари доимо ўз жонини қурбон қилиб бўлса-да, Ватанини бегоналар кўзидан асраб-авайлайди. Шеърда ҳар бир инсонни тўлқинлантириб юборадиган мана бундай мисралар бор:

Allah'a bırak çık yola;
“cenge!” deyip çek ki vatan kurtula.
Böyle müyesser mi gazâ her kula?
Haydi levend asker, uğurlar ola [1, 574].

Таржимаси:

Аллоҳга, ўзингни жангга бос,
Жонингни қурбон қил Ватан йўлида.
Бу шарафга ҳар ким муяссар бўлмас,
Қани жасур ўғлон, омад ёр жангда.

Шоир ижодида Ватан мавзуси алоҳида йўналиш ҳисобланади. Чунки М. Эрсўй шеърда Ватан тушунчасини кенгроқ талқин қилди, бу эса замонавий турк шеърятининг такомиллини ривожлантирди. Унинг “Хаста”, “Фарёд”, “Хуррият”, “Ватан”, “Озодлик” сингари шеърларида Ватан туйғуси, Ватан муҳаббати, Ватан озодлиги, Ватан соғинчи жуда ҳам таъсирли ифодаланган. Бундай мавзудаги шеърлар кейинги авлод шеърятига сезиларли даражада ўз таъсирини ўтказди. Хусусан, Ўрхон Вали шеърятда Ватани Истанбул ҳақидаги қуйидаги сатрларни М. Аъзам таржимасида ўқиймиз:

Истамбулни тинглайман кўзларим юмилган
Бир ён соҳил қайиқхоналари ним қоронғи
Бошида эски оламларнинг сархушлиги
Тинган пўртаналарнинг гув-гуви қўйнида
Истамбулни тинглайман кўзларим юмилган [8, 20].

Ёки “Ватан учун” шеърига эътибор қаратсак:

Нималар қилмадик шу ватан учун
Кимимиз ўлдик
Кимимиз нутқ сўзладик [8, 23].

Хулоса. Меҳмет Акиф Эрсўй ҳақиқатан ҳам Ватанини, юртини, халқини қуйловчи шоир. У замонавий турк шеърятининг тараққиётига ўз ижоди билан улкан ҳисса қўшди. Янгича фикр, янгича талқин шоир ижодининг ўзига хослиги ҳисобланади. Ватан озодлиги, халқ озодлиги шоирнинг энг катта орзуси бўлган. Хусусан, адабиётшунос П. Кенжаева

таъкидлаганидек: “Хуррият орзуси фақатгина ўзбекнинг эмас, балки бутун туркий халқлар орзуси эди. Бу мавзудаги шеърлар Эрсўй ижодига ҳам бегона эмас эди. Унинг “Инсон”, “Истибод”, “Хуррият”, “Уйғон”, “Берлин хотиралари”, “Шарқ”, “Кеча”, “Ҳижрон”, “Жанг қўшиғи” каби бир қатор шеърларида турк халқининг орзу-умидлари қаламга олинади” [5, 386].

АДАБИЁТЛАР

1. **Akyüz K.** Batı Tesirinde Türk Şiiri Antolojisi. İnkılap Kitabevi. – İstanbul: 1971. – 1032 s.
2. **Gökçek F.** Mehmet Akif'in Şiir Dünyası, Dergah Yayınları. – İstanbul: 2005. – 147 s.
3. **Gökçek F.** Bir Medeniyetin Şairi Mehmet Akif, Türk Dil Kurumu Yayınları. – Ankara: 2013. – 217 s.
4. **Düzdağ E.M.** Mehmed Akif Ersoy, Kaynak Kitaplığı. – İstanbul., 2004. – 388 s.
5. **Кенжаева П.** Замонавий ўзбек ва турк шеърлятида услуб типологияси // “O‘zbek mumtoz va zamonaviy adabiyotini xalqaro miqyosda o‘rganish va targ‘ib qilishning dolzarb masalalari” mavzusidagi xalqaro konferensiya materiallari. – T.: MASHHUR-PRESS, 2018. – B. 381-387.
6. **Mehmed Akif.** Hayatı Eserleri ve Yetmiş Muharririn Yazıları (Haz. Fahrettin Gün), Beyan Yayınları. – İstanbul: 2010. – 467 s.
7. **Ersoy M.A.** Safahat (Neşre hazır. Düzdağ M.E.). Çağrı Yayınları. – İstanbul: 2008. – 637s.
8. Ҳозирги замон турк шеърляти. Туркчадан таржима (Ўрхон Вели, Мелих Жавдат Ондай, Ўктой Рифат ва бошқ.: Тузувчи М. Аъзам; Сўз боши Ғ. Саломов. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1980. – 152 б.